



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 15 июнь, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (10.923)

Баҳоси эркин нарҳда

ЯНГИДЛАНИШ ВА БУЊЁДКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
БУЊЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН
ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 14 ИЮНЬ КУНИ БУХОРО
ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.**

Давлатимиз раҳбари Бухоро зами-
нига сафарини Ромитан туманидаги
«Саттор-Камол» фермер хўжалиги да-
лаларини кўздан кечириш билан бош-
лади. Абдурахим Сатторов раҳбар-
лигидаги мазкур фермер хўжалиги-
нинг 26 гектар майдонида гўза ба-
равж ўсаётган бўлса, 8 гектардаги
ғаллага ўроқ тушган. Ўз вақтида йи-
ғиб олинган ғалла ҳосилдорлиги
гектар бошига ўртача 64 центнерни
ташкил этаётди. Хўжалик аъзолари
ялпи ҳирмонни 50 тоннадан ошириш-
ни мўлжалламоқда.

Ўртбошимиз фермер ва механи-
заторлар билан суҳбатлашди.
— Фермерлар юртимиз истикбо-
лини таъминлайдиган, унинг оғир
юкига елкасини тутта оладиган қуд-
ратли кучга айланган бизни
қувонтиради, — деди давлатимиз
раҳбари. — Ҳақиқий деҳқон, аввало,
ер билан тиллаша билиши, унинг
дардида малҳам бўла олиши, шу би-
лан бирга, бозор иқтисодиётининг
қонун ва талабларини чуқур англаб
етиши ва уларга қатъий амал қили-
ши лозим. Шунда у ўз олдига қўйган
мақсадга эришиши мумкин.

Жорий йилда Бухоро вилоятида
фермер хўжалиқларининг умумий
сони ўн беш мингга етди. Бошқача
айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсу-
лотларини етиштириш тўла фермер-
лар зиммасига ўтди.

Бу йил бухоролик миришкорлар
127 минг гектардан зиёд майдонда
гўза парвариш қилмоқдалар. 61 минг
гектар ердаги ғалла эса жадал сурь-
атлар билан ўриб-йиғиб олинмоқда.
Вилоят пиллакорлари давлатга 2 минг
783 тонна «қумуш тола» топириб,
шартнома мажбуриятини ошиғи би-
лан бажардилар.

— Фермерлик ҳаракати ўзини
оқлатмоқда, — деди Ўртбошимиз
фермерлар билан суҳбатда. — Ишон-
чим қомилки, ақин орада мамлакатим-
изнинг забардаст фермерлари дў-
ненинг илгор давлатларидаги мулк-
дорлардан қолишмайдиган бўлади.

Президентимиз Абу Али ибн Сино
тутилган Пешку туманидаги Афсона
қишлоғида бўлиб, улуг аллома музейи-
ни кўздан кечирди.

— Дунё мамлакатларида бугунги
кунда ҳам тиббиёт асослари Абу Али
ибн Сино қолдирган мерос асосида
ўқиб-ўрганилаётгани маълум, — деди
Ўртбошимиз. — Бу — улуг бобомиз-
нинг жаҳон илм-фани ривожига
қўшган бемисл ҳиссасининг жаҳоний
эътирофидир. Шу маънода музейни
янги-янги экспонатлар билан бой-
итиш, бунда тарихий ҳақиқат мезон-
ларидан келиб чиқиб иш тутиш зар-
ур.

Ислом Каримов ўтган йил ишга
туширилган Афсона тиббиёт коллежи
ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашди.

Улуг аллома музейи, унинг ҳайка-
ли ўрнатилган майдонга туташ маз-
кур мажмуа — 540 ўринли замонавий
билим даргоҳи — барча қўлайлик-
ларга эга. Бу ерда умумий амалиёт
ҳамширалари ва диагност-лаборант-
лар тайёрланади. Шинам ётоқхона,
минглаб нусхадаги китоб фондига
эга ахборот-ресурс маркази, компь-
ютер ва замонавий асбоб-ускуналар
билан жиҳозланган лабораториялар
ўқувчилар иштиёрида.

Ўртбошимиз ўқувчилар билан суҳ-
батда уларни мақсад сари дадил ин-
тилишга ва қийинчиликлардан чўчи-
масликка даъват этди.

Коллеж ўқувчилари мамлакатимиз-
да, жумладан, Бухоро вилоятида бар-
ча шарт-шароитлар яратилган мана
шундай таълим масканлари бунёд
этилгани учун давлатимиз раҳбари-

га миннатдорлик билдирдилар.
Ислом Каримов Баҳоддин
Нақшбанд ёдгорлик мажмуини зиё-
рат қилди.

Юртимизда барча соҳалар қатори
маънавият ва маърифат, таълим ва
тарбия жаҳонларида кенг қўламли
ишлар амалга оширилмоқда. Буюк
аждодларимиз қадамжоларини обо-
донлаштириш, улар қолдирган бой
маънавий меросни чуқур ўрганиб, та-
рғиб ва ташвиқ этишга алоҳида
эътибор қаратилаётди.

Давлатимиз раҳбари мажмуани зи-
ёрат қилар экан, бу муборак зот ман-
гу қўним топган ушбу маскан барча-
мизни эзгуликка чорловчи муқаддас
қадамжолар билан қўлаверилиши таъ-
кидлади. Зиёратгоҳ ҳудудига воҳа
иклим шароитига мос сўйим ва сер-
соя дарахтларни кўпроқ экиш лозим-
лигини тавсия этди.

Ўртбошимиз Бухоро шаҳрининг
янги бош меъморий лойиҳаси билан
танишар экан, замонавий бино ва ин-
шоотлар қурилиши қадимий обид-
ларга уйғун ҳолда олиб борилиши
зарурлигига эътиборни қаратди.
Қурилиш ва ободонлаштириш иш-
лари маҳаллий иқлим шароити ва меъ-
морчилик анъаналаридан келиб чиқ-
қан ҳолда амалга оширилиши мақ-
садга мувофиқ эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов «Бухо-
ро ғилами» Ўзбекистон — Буюк Бри-
тания қўшма корхонаси фаолияти би-
лан ҳам танишди. Ишга туширилган-
га энди бир йил бўлган корхона-
нинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати
беш юз минг квадрат метр ғилам маҳ-
сулотларини таъмин қилади. Айни
пайтда унда уч юз эллик нафар киши
иш билан банд. Замонавий техноло-
гиялар асосида тўқилаётган бежир-
ни ғиламларга буюртмалар тобора
кўпаймоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона иш-
чилари билан суҳбатда маҳсулот иш-
лаб чиқариш борасида эришилган
ютуқлар билан кечилиб қолмасдан,
корхонанинг экспорт салоҳиятини
ошириш зарурлигини қайд этди.

«Сомоний» деҳқон бозори — Бухо-
ронинг қадимий йирик савдо маж-
муаларидан. Қайта реконструкция
қилинган, у замонавий киёфа касб
этиб, харидор ва сотувчилар учун зар-
ур шарт-шароитларга эга бўлди.

— Бозор — эл-юрт фаровонлиги-
нинг кўзгусидир, — деди давлатимиз
раҳбари сотувчи ва харидорлар би-
лан мулоқот чоғида. — Бозорларимиз
янада тўқин ва серфайз, аҳоли эса
сифатли савдо хизматидан баҳра-
манд бўлиш имкониятлари бундан
ҳам ошмоғи лозим.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати
билан мамлакатимизда кенг қўламли
бунёдкорлик ишлари олиб борилаёт-
ди. Хусусан, янги тиббиёт ва соғлом-
лаштириш масканларини барпо
этишга, Меҳрибонлик ва Мурувват
уйларининг моддий-техника базаси-
ни мустаҳкамлашга эътибор янада
кучаймоқда.

Президентимиз Бухоро шаҳрида-
ги 32-Меҳрибонлик уйига ташриф бу-
юриб, тарбияланувчилар ва мураб-
бийлар билан суҳбатлашди. Юзга
яқин ўғил-қиз тарбияланаётган маз-
кур муассасада болаларнинг замон
талаблари асосида билим олиши,
касб-хунар эгаллаши ва спорт билан
шуғулланиши учун барча шарт-шаро-
ит муҳайё этилган.

Ўртбошимиз Меҳрибонлик уйига
замонавий микроавтобус соғға
қилди.

**Норали ОЧИЛОВ,
Эркин ЁДГОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

**ПОЙТАХТИМИЗДА
ФАОЛИЯТ
КЎРСАТАЁТГАН
«GRAND APEX»
МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИДА
ТАЙЁРЛАНАЁТГАН
ЗАМОНАВИЙ
ТРИКОТАЖ КИЙИМ-
КЕЧАКЛАРНИНГ ТУРИ
40 ТАДАН Ортиб
КЕТДИ. БУНИНГ
АСОСИЙ БОИСИ
БОЗОРНИ ЧУҚУР
ЎРГАНИШ АСОСИДА
ХАРИДОРБОП
МАҲСУЛОТЛАР
ТАЙЁРЛАШГА,
УЛАРНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШГА
ҚАРАТИЛАЁТГАН
ЭЪТИБОРДАДИР.**

Тадбиркорлик

ҚЎШМА КОРХОНА ОЧИЛАДИ

Хорижий ишбилармонлар билан ало-
қаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаёт-
ган тадбиркорлар яқин фурсатда чет эл
сармояларини жалб этган ҳолда корхо-
нани кенгайтириш, яъни қўшма корхона
ташкил этишга интилишмоқда. Айни кун-
ларда эса ана шу мақсадда қурилиш-ти-
клан ишлари олиб боришмоқда. Янги кор-
хона, албатта энг замонавий ускуна ва
дастгоҳлар билан жиҳоз-
ланадики, шу
асосда маҳал-
лий хом ашё-
дан ишлаб чи-
қарилган маҳ-
сулотларнинг
четга экспорт
қилиниши
кўзда тутил-
моқда.

— Албатта, маҳсулотни хо-
риж бозорига
сотишни ўзи
бўлмайди, —
дейди корхона
директори Ан-
вар Рустамов. — Бунинг учун жаҳон андо-
залари даражасидаги кийим-кечаклар
тайёрлаш, юксак сифатли таъминламоқ
даркор. Моҳир модельер-дизайнерлари-
миз бу борада изланишмоқда, янги маҳ-
сулот турларини яратишга интилишмоқ-
да. Шу ўринда айтиш лозимки, нафақат
ички бозор, балки ташқи бозорни ҳам
ўрганиш харидорлар сафи орттиришда му-
ҳим роль ўйнайди.

Тадбиркорлар маҳсулот турларини
ошириш, талаблар даражасидаги товар-
ларни кўпайтириш учун сифатли хом ашё-
дан фойдаланишди. Бунда мамлакатим-
изда фаолият кўрсатаётган «Алким-тек»

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун**
Янгиликлар, воқеалар



«Бурсел», «Байтекс тижарет» ва
бошқа кўплаб қўшма ҳамда хорижий кор-
хоналар билан ҳамкорлик катта аҳамият-
га эга. Ушбу корхоналарда 60 фоиз пах-
тадан ишлаб чиқарилаётган турли мато-
лар корхона тадбиркорларига қўл келмоқ-
да.

Корхона цехларига Россия, Хитой
ҳамда Италиядан келтирилган дастгоҳ ва



ускуналар
ўрнатилган
бўлиб, мала-
кали чеварлар
маҳорати бил-
лан маҳсулот
сифати таъ-
минланмоқда.
Тайёрланаёт-
ган эркаклар,
аёллар ва бо-
лалар либос-
лари кўрини-
шига ҳам
эътибор қар-
атилмоқда. Бу
албатта хари-
дор топишда
катта аҳамият
қўшади. Айниқса, тайёр кийим-кечак-
ларни безашда нақш тушириш ускунаси
қувватидан фойдаланилаётгани ҳам са-
мара бермоқда.

Республикаимиздаги савдо шохобча-
лари шартнома асосида ўз маҳсулотла-
рини етказиб бераётган корхона ахли тез
кунларда фирма дўкони очишни режала-
ган. Бу харидор учун яна бир қўлайлик
бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

**СУРАТЛАРДА: тадбиркорлар ҳар бир
маҳсулот сифатига эътибор қарати-
шади.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Қисқа сатрларда

• **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ
Тошкент шаҳар ва Учтепа
туман бўлиmlари ҳамкор-
ликларида «Ўрикзор» даҳа-
сидаги «Гулбахор» оромго-
ҳида уюштирилган «Камол-
лот» кунли тадбири «Ёз»
«Камолот» билан лойиҳаси
доирасида ташкил этилди.

• **ЎТГАН** кун «Бунёд-
кор» ёшлар телеклубида
фаоллар иштирокида ўтқа-
зилган тадбирда иқтидор-
ли ёшлар ўртасида видео-
роликлар тайёрлаш бўйича
курск-танлов уюштирилган-
лиги эълон қилинди.

• **КАМОЛОТ** ЁИХ Мар-
казий Кенгаши ташаббуси
билан шаҳримизда уюшти-
рилган «Ўзбекистон Ватаним
меним» акциясида ёшлар
фаол иштирок этишди.

• **ЎТГАН** кун Юнусобод
туманидаги «Юнусобод»,
«Иттифок», «Чоштепа» ма-
ҳаллаларида яшовчи боло-
ғатга етган ёшларга фука-
ролик паспортлари туман
ИИБ ходимлари, маҳалла

фуқаролар йиғини раисла-
ри, фаоллари иштирокида
топирилди.

• **ЎТГАН** кундан Ўзбеки-
стон Миллий банки галер-
еясида бошланган иқти-
дорли фото расм Шавкат
Болтаевнинг «Ўзбекистон
европалықлар нигоҳида»
мавзусидаги шахсий асарла-
ри кўргазмаси 30 июнгача
давом этади.

• **ЎТГАН** кун «Туркист-
он» саройида шарқ акка-
курашига қизиқувчи қизлар
ўртасида шоу тадбир таш-
кил этилди.

• **АКАДЕМИК** Воҳидов
номидаги Республика ишти-
роқчилар жарроҳлик мар-
казида юрак-қон томир ха-
сталикларини даволашда
янгича усулда баҳарилган
жарроҳлик амалиётида ита-
лиялик шифокорлар ҳам
иштирок этишди.

• **КЕЧА** «Dedeman silk
Road» меҳмонхонасида тад-
биркорлар учун Ўзбек-япон
маркази ташаббуси билан
профессионал менежмент
дастури доирасида янги

ўқув курси ташкил этиш-
нинг аҳамиятига бағишлан-
ган тадбир бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Мил-
лий бондида «Оила—муқад-
дас даргоҳ» мавзусида ўтқа-
зилган тадбир Чилонзор ту-
ман ҳокимлиги, туман хо-
тин-қизлар қўмитаси, туман
«Оила» маркази, Маънавият
тарғибот марказининг туман
бўлими ҳамкорликларида
уюштирилди.

• **АБДУЛЛА** Авлоний но-
мидаги халқ таълими хо-
димлари малакасини оши-
риш ва қайта тайёрлаш ин-
ститутида педагоглар ишти-
роқчида уюштирилган тадбир
«Ёшлар тарбиясида таълим-
нинг роли» деб номланди.

• **МИРЗО** Улуғбек номи-
даги Ўзбекистон Миллий
университети қошидаги
Олий педагогика курси тин-
гловчилари иштирокида
уюштирилган тадбирда пе-
дагогик маҳоратни оши-
ришнинг самарали усулла-
ри борасида атрофлича
фикр алмашилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати
ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бугун Тошкентда шошилиш тиббий хиз-
матининг долзарб муаммоларига бағишлан-
ган илмий-амалий анжуман ўз ишини бош-
лади. Унда Япония, Жанубий Корея, Россия,
Украина, Грузия, Қозоғистон каби кўплаб
давлатларнинг таниқли олим ва мутахассис-
лари иштирок этмоқда.

• Бухоро шаҳридаги амфитеатрда «Фарзан-
длари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзуи-
да тадбир бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ Бухо-
ро вилояти бўлими Кенгаши ҳамда вилоят
соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлиги-
да ташкил этилган ушбу тадбир «Йод етиш-
маслиги касалликлари профилактикаси»
тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳиятини
ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва ижро-
сини таъминлашга қаратилди.

• «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда «Почта ало-
қаси соҳасида меҳнат қонунчилигининг
қўлланилиши ҳамда кадрлар тизимини мар-
казлаштириш истиқболлари» мавзусида икки
кунлик ўқув семинари ўтказилди.

• Юқори сифатли маҳсулотлар—рангли те-
левизорлар ва уй кинотеатрлари, кондицио-
нерлар ва видеоплейерлар «Ройсон элект-
роникс» МЧЖ цехларида тайёрланмоқда.
Ўтган йили буюртмачиларга 100 мингга те-
левизор юборилган бўлса, жорий йилда
ушбу кўрсаткични 3 бараварга кўпайтириш
режалаштирилмоқда. Маҳсулотнинг катта
қисми хорижга жўнатилади.

• Самарқанд шаҳрида мактаб ўқувчилари-
нинг «Биз—фаровон келажак бунёдкорлари-
миз» танлови якунланди. Унда ўқувчиларнинг
билим ва кўникмалари, дунёқараши, ижти-
моий-сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги саводхон-
лиги, жамоатчилик ишларидаги иштирокига
алоҳида эътибор қаратилди.

• Чуст тумани марказида навбатдаги бўш
иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда
қатнашган 32 та корхона ва ташкилот 320
та бўш ўринларни тавсия қилди. Ярмаркада
500 га яқин киши иштирок этиб, уларнинг
100 дан ортиғи ўз соҳаси бўйича ишга жой-
лашди.

• «Сурхон» комбинати очик окциядорлик
жамияти томонидан Кумкўргонда кунига 600
та шифер ишлаб чиқариш қувватига эга цех
қуриб ишга туширилди. Бу ерга ўрнатилган
технологиялар Хитойдан олиб келинган
бўлиб, цех ишга тушиши туфайли қўшимча
иш ўринлари яратилди.

• Навоийда мудофаага кўмаклашувчи «Ва-
танпарвар» ташкилоти ташаббуси билан ўтқа-
зилаётган мотокросс бўйича Ўзбекистон очик
чемпионатининг финал босқичи мусобақа-
лари бўлиб ўтди.



ЖАҲОНДА

• Кеча НАТОга аъзо мамлакатларнинг му-
дофаа вазирлари иштирокида икки кунлик
анжуман бошланди. Унда АҚШнинг ракетага
қарши мудофаа тизимларини Польша ва Че-
хияга ўрнатиш масаласи муҳокама этилди,
НАТО-Россия музокаралари ўтказилди.

• Кеча Ирландия қонунчилик палатаси де-
путатлари кўпчилигининг овози билан 55
ёшли Барт Ахер мамлакат тарихида илк бор
кетма-кет учинчи муддатга Бош вазир ла-
возимига сайланди. Мамлакатнинг кейинги
йилларда иқтисодий жиҳатдан ўсиши ва Ши-
молий Ирландияда тинчликнинг сақланиши
Ахер бошчилигида эришилган энг йирик му-
ваффақиятлар сирасига кириди.

• Кеча Фаластин мухторияти раҳбари Мах-
муд Аббос бош вазир Исмоил Хония бошчи-
лигидаги вазирлар маҳкамасини истеъфога
чиқарди ва мамлакатда фавқулодда ҳолат
эълон қилди. Шунингдек, мухторият раҳба-
ри БМТдан Фаластинга тинчликпарвар куч-
ларнинг юборилишини сўраган. Бироқ ХА-
МАС радикал гуруҳи аъзолари Аббоснинг
юқоридаги қарорларини тан олишмапти.

• Кеча Испанияда диктатор Франкодан сўнг
илк эркин сайловларнинг ўтказилиши ва
мамлакатда демократиянинг ўрнатилишига
30 йил тўлишига бағишлаб қирол Хуан Кар-
лос бошчилигида мамлакат парламентининг
тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

• Бағдодда мазҳаблараро зиддиятлар то-
бора авж олмақда. Хусусан, мамлакат ши-
молидаги Самарра шаҳрида шиаларнинг му-
қаддас зиёратгоҳларидан бири—«Олтин мас-
жид»нинг портлатилиши ўзаро зиддиятлар-
ни янада алангалатиб юборди. Портлаш
оқибатида масжиднинг асосий иккита мино-
раси бутунлай вайрон бўлган.

• Грузияда юз берган қучли сел ва ер
қўқисми мамлакат иқтисодиётига жиддий
зиён етказди. Жумладан, Грузиянинг бир
нечта тоғли туманларидаги уйлар табиий
офат туфайли вайрон бўлди, мамлакатнинг
фахри саналиб келган юзлаб гектар узум-
зорлар йўқ бўлиб кетди.

• Англиялик машҳур футбол юлдузи Дэ-
вид Бекхэм Испаниянинг «Реал» жамоасини
тарк этиб, яшил майдондаги фаолиятини оке-
ан ортида—АҚШда давом эттиришга қарор
қилди. 17 июнь кунги «Реал» таркибида
сўнгги бор майдонга тушади. Қизиги шун-
даки, ушбу ўйинда «Реал» ғалаба қозонса,
мамлакат чемпионлигига эришади ва бу Бек-
хэмнинг Испаниядаги сўнгги туғи бўла-
ди.



ОБ - ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қили-
шича, 16 июнь кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради,
ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр
тезликда шамол эсади. Кенаси 17-19, кундузи 35-37 да-
ража иссиқ бўлади.



«Универсиада — 2007» олдидан

НАФОСАТГА ЙЎҒРИЛГАН БАЙРАМ

Хаммамизга маълумки, пойтахтимизда ёшларни гўзаллик ва баркамоллик сари қорловчи «Универсиада — 2007» спорт ўйинларининг бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Бугунги кунда Универсиада беллашувлари ўтказилиши мўлжалланган олий ўқув юрлари, спорт майдонлари ва пойтахтимизнинг энг нуфузли спорт мажмуаларида байрам шукухи яққол сезилмоқда.

Албатта, ҳар бир байрамларимиз, тадбирларимиз қувноқ куй-қўшиқларсиз ўтмайди. «Универсиада — 2007» иштирокчиларини қизгин қўтиб олиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан белгиланган режа асосида маданий дастурлар ишлаб чиқилган. Зеро, спортга ошно дилларга ором бахш этувчи куй-қўшиқлар уларнинг қалбига хуш кайфият улашиб, юксак марраларни эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга бўлиши, шубҳасиз.

— Дарҳақиқат, «Универсиада — 2007» спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди мазкур бошқарма бошлигининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов. — Аввало Универсиада иштирокчиларини 21 июнь куни Тошкент аэропортида ва пойтахт вокзалида кўтаринки руҳда, шодиёна қўтиб олиш учун сценарий асосида дастур ишлаб чиқилган. Тошкент аэропортида иштирокчиларни «Қаҳрамон» карнай-сурнайчилар гуруҳи, Юнусобод ва Сергели туманидаги маданият ва спорт ишлари бўлимлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда «Қамолот» ЕИҲ фаоллари қўтиб олишади. Тошкент вокзалидаги тадбирда эса Учтепа туманидаги Усмон Юсупов номи маданият уйи қошидаги «Осиё» карнай-сурнайчилар гуруҳи, Миробод туманидаги маданият уйлари бадий ҳаваскорлик жамоалари қатнашади. Универсиаданинг очилиш ва ёпилиш маросимида



эл севган санъаткорлар иштирок этадилар. Шунингдек, Универсиада иштирокчиларининг кечки дам олиш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида 4 та сахна ташкил қилинган бўлиб, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг талабалар турар жойларида, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети ва Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ҳовлиси ва талабалар турар жойларида соат 20.00 дан 22.00 гача кечки маданий-маърифий тадбирлар тайёрланган. Бу дастурларда «Тошкентнаво» эстрада бирлашмаси томонидан кўплаб танikli хонандалар, эл севган эстрада юлдузлари ўз концерт дастурлари билан қатнашадилар; шунингдек, танikli театр актёрлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилади. Шу билан бирга Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент Давлат санъат институти, Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Тошкент шаҳар Мадани-

ят ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидоги маданият уйлари бадий жамоалари ҳам ўзларининг концерт дастурларини намойиш этадилар. Бундан ташқари Универсиада иштирокчиларининг шахримизнинг кўзга кўринган жойларини зиёрат қилишлари, музей ва театрларга саёҳатларини уюштириш учун алоҳида кунлик режа ишлаб чиқилган. Бу режа асосида Ҳазрати Имом мажмуаси, Олимпия шон-шухрати музейи, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва шахримизнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатлари ташкил қилинади. Шунингдек, Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театри, Ўзбек Миллий академик драма театрининг томошаларидан баҳраманд бўлишади. Ўйлаймизки, Универсиада ўйинлари мамлакатимизда катта спорт байрамга айланиб, ёшларни ватанпарварлик, баркамоллик ва зғуликка қорлайди.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди

ФРЕДЕРИК БРЕССАНД: «САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ ЭТИШ МЕНГА ҲАМИША ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙДИ»

ФРАНЦИЯЛИК ТАРИХЧИ-ШАРҚШУНОС ВА
САНАТШУНОС ФРЕДЕРИК БРЕССАНД
ҚАРОРГОҲИ ПАРИЖДА ЖОЙЛАШГАН
«ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ ВА
САНАТНИНГ ЎРГАНИШИ
АССОЦИАЦИЯСИ»НИНГ БОШ КОТИБИДИР.

Ҳозирги пайтда Нью-Йоркда истикомат қилаётган Ф. Брессанд хонимнинг айтишича, у Ўзбекистон маданияти ва санъатини ўрганиш ва уни тарғиб этиш бўйича ўз фаолиятини давом эттирмоқда. «Жаҳон» АА муҳбири билан суҳбат чоғида Ф. Брессанд хоним Ўзбекистонга биринчи мартаба 1975 йили борганини қайд этди.

Ўзбекистон халқига, унинг бой тарихи ва ўзига хос, бетакрор санъатига нисбатан меҳр-муҳаббатим ўтган йиллар мобайнида янада қучайди, дейди у. Ўзбекистон илмий-маданий тараққиётининг кўп қирра ва кенг қамровлилиги мени доимо ўзига жалб этиб келади. Халқинингизнинг, айниқса ёшларнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳияти илм-фанда, тасвирий ва халқ амалий санъатида, мусикашунослик ва бошқа соҳаларда намоён бўлмоқда.

Француз тарихчисининг фикр билдиришича, Ўзбекистондагидек халқ амалий санъатининг бетакрор ва гўзал мактаби дунёнинг бошқа бирорта бурчагида учрамайди. Масалан, Риштон ва Ғиждувон кулларни яратётган ҳунармандчилик маҳсулотларини ёки Фарғона газлама тўқувчиларнинг матоларга жило беришларини қандай қилиб мўъжиза, деб атамайсиз.

Мен Ўзбекистонда халқнинг маданий, илмий ва маънавий бойлигини авайлаб-асраш ва тарғиб этиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолайман. Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу жараёнда ёшларнинг маънавий-маданий жиҳатдан баркамол бўлишига асосий эътибор қаратилмоқда. Бу чўқур ўйланган ва узоқни қўришга асосланган стратегиядир.

Шу ўринда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳақида бир неча сўз айтишни истар эдим. Ушбу жамғарманинг фаолияти борган сари кўп эътибор қозонмоқда. Жамғарма ўз фаолиятини бошлаганидан буён жуда муҳим лойиҳаларни, жумладан, болалар ва ёшларнинг маънавий-маданий баркамол ривожланишига йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда. Диққатга сазовор томони шундаки, жамғарма нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда иш олиб бораётир. Жамғарма томонидан дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётган тадбирлар Ўзбекистоннинг маданий бойлиги билан жаҳон ҳам-жамиятини янада кенгроқ таништириш имконини бермоқда. Бу халқлар ўртасида бир-бирини ўзаро тўғри тушунишни мустаҳкамлаш учун ҳам муҳимдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини жаҳон маданияти ва илм-фанининг қўнча ҳамда нодир марказларидан бири — Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилеи билан чин дилдан табриклашни истар эдим. Самарқанд цивилизациялар чорраҳасидирки, у ерда асрлар давомида турли маданият ва анъаналар ўзаро тотувликда бардавом бўлиб келмоқда. Самарқандни зиёрат этиш ва унинг оҳанграбо гўзаллигидан баҳраманд бўлиш менга ҳамيشа қувонч бағишлайди.

Шуниси қувонarliки, Самарқанд юбилейининг нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда нишонланиши бу шаҳарнинг жаҳон маданий-маънавий тараққиётида тугган ўрни ва аҳамиятидан яна бир қарра гувоҳлик беради.

Ф.АРЗИЕВ,
«Жаҳон» АА
Нью-Йорк

НОШУҚР БЎЛМАНГ

Ўз ўғлининг бахтидан, келинининг қайнонага бўлган иззат-ҳурматидан шикоят қилган «хохисор» ота ҳақида эшитганмисиз? Ажаб воқеа ва ҳодисаларга бой бўлган бу ёрۇқ оламда шундай оталар ҳам бор экан.

Тахририятга кириб келган ўрта ёшли киши олдимизга 4 варақча жимжимадор қилиб эринмай битилган хатни қўйди.

—Илтимос, шу хат билан танишиб чиқсангиз,—деди бизга руссали қараш билан.

—Яхшиси ўзингиз айтиб берақолинг бўлган воқеани. Хар қалай хатдан кўра жонли мулоқот яхши-да. Баъзи тушуномчиликларга ўрин қолмайди,—дедик биз хатни варақлай туриб.

—Шундай қилсак ҳам бўлади. Вақтингизни олмайманми ишқилиб?

—Умид билан келибсиз, тинглаймиз.

—Бўлмаса олдиндан менинг бир саволимга жавоб беринг. Ўғил кимга

риб ташлаш учун кўп бор уриндик. Очиғини айтсам, фарзандлар, келин ва хотинда айб йўқ. Саидолимнинг ўзи шунақа инжиқ. Бунинг устига ичкиликка қаттиқ берилган. Ношўқр банда, унга қолса ўша ўғил қурган уйни ҳам сотиб ичса. Ойладагиларнинг айби отани тартибга чакришгани, ичманг дейиши, кўча-қўйда маст-аласт юриб бизни шарманда қилманг, дегани. Яқинда кимдир айтиб қолди. Шундай ўғиллари, да-нғиллама уй-жойи, сарамжон-сарашта аёли бўла туриб у ичкиликка пул топиш учун тиланчилик ҳам қилиб юрган эмиш. Хўш, шундай отадан нимани кутиш мумкин? Ўз пушти-камаридадан бўлган болалари, умр йўлдоши, одобли келинини ёмон отликка чиқариш отага хосми? Асли бекор овора бўлибсиз. Унинг хатига ҳам, гапига ҳам эътибор берманг.

Энди менга ҳаммаси аён эди. Бошқа сўраб-суриштириб ўтиришга ҳожат йўқ. Шундай экан, қолган гапни сизнинг ўзингизга ҳавола этиб қўя қолдик, азиз газетком. Қиссадан ҳиссани ўзингиз чиқариб оласиз деган умиддамиз.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ДАМ ҒАНИМАТ

Бу хонадонда кўп марта бўлганман. Болалик қадрдоним Олимжон билан ўтган ёшлик хотираларимизни эслатади бу уй. Бугун хонадон соҳиби — Олимжоннинг туғилган куни. Табриклагани битта тўнни қўлтиқлаб келсам, хар доим гавжум бўладиган хонадон жим-жит. Хайрон бўлиб эшик кўнги-роқини босдим. Ёшгина бола эшикни очди. Ундан Олимжонни сўрасам «Бобом уйда йўқлар, касалхонада ётибди-лар», деди. Келимизки, бу бола дўстимнинг набираси.

—Уйда ким бор, онанг борми? Овозимни эшитиб ичкаридан дўстимнинг аёли чиқди. Саломлашган, у:

—Оғанингизнинг тоблари йўқ. Касалхонада ётибдилар, — деди маъюс-ланиб.

Дархол манзилни сўраб-суриштирдим. Иссиғида бориб кела қолай, деб яқин ўртадаги бозорга кириб ул-бул харид қилдим-да, касалхонага жўнадим. —Анча мазалари йўқ. Олдилагига кирмаганингиз маъқул. Уринтириб қўясиз, — дейишди шифокорлар.

Бир зумда кириб-чиқишимни айтиб илтимос қилдим. Ниҳоят тез кириб чиқиш шарти билан розилик беришди. Эшикдан киришим билан Олимжон ўрнидан турмоқчи бўлди.

—Қимирлама, қимирлама, — дея уни жойидан қўзғатмадим.

—Қандай шамол учирди? — сўради у кутилмаганда пайдо бўлиб қолганимдан хайрон бўлиб.

—Сенинг шамолинг. Ахир бугун туғилган кунинг-ку. Сени қўлагани борсам касалхонада эканлигини айтишди. Узр дўстим, олдинроқ билмабман. Шунинг учун тўғри касалхонага кела-вердим.

—Ха, шундай бўлиб қолди. Бу сафар таваллуд кунини касалхонада нишонлайдиган бўлдим, — қўлди у.

Анчага суҳбатлашиб ўтирдик. Турақолай десам дўстимнинг гапи тугамасди. Хар қўзғалганимда «Ўтиравер, ўзим зерикиб ётган эдим», деб кетишга изн бермасди.

Алла-паллада ўрнимдан турдим. —Энди сен билан қайта қўришамизми, йўқми билмадим. Лекин...

—Яхши ният қил, — дедим унинг сўзини бўлиб. —Соғайиб кетасан. Хали сен билан яхши кўнларни кўп нишон-лаймиз.

—Қайдам, — деди у хомуш тортиб.

Шу тариха дўстим билан хайрлашдик. Чиндан ҳам унинг аҳоли оғир эди. Олимжон билан бу сафар узоқроқ қўришмаганимизни эслаб йўл-йўлкай ўзимни-ўзим қойиб бордим. Баъзан шунақа бўларкан. Қўндалик ташвиш, ишлар билан овора бўлиб яқинларини ҳам унутиб қўярсансан. Бўлмаса болаликдан бирга ўсган қадрдонимни эсламай қўярмисан.

Эртасига энди нонуштага ўтирган эдик, телефон жиринглаб қолди. Аёлим гўшаки кўтарди-ю, ранги-кути ўчиб, тезда уни жойига қўйди. «Тинчликми?» десам у:

—Олимжон оғайниз оламдан ўтибдилар. Тез бораркансиз, — деди сўниқ товушда.

Шу кунги қоқ пешин вақтида дўстим-

ни қабрга қўйдик. Қабристондан қайтарканман ўқисик кўнглимга бир нарса тасалли беради. У ҳам бўлса сўнгги марта Олимжон билан туғилган кун баҳонасида қўришиб қолганимиз эди. Агар охириги марта дўстим билан дийдорлаша олмай қолганимда ўзимни кечиролмасдим. Хар йили шу кун дўстимнинг уйда нишонланадиган тантана бу йил азага айланди. Шунинг айт-тарканлар-да дам ғанимат, хар дам ғанимат дўстлар, деб.

Ёшлиқнинг ҚАДРИГА ЕТИНГ

Ҳаёт хар бир кишига улкан ва бебаҳо тўхфа инъом этади. Бу қуч-қувватга тўла ёшлик, билим ва қурашга чанқоқлик, ишонч ва орзу-умидга тўла ўспиринликдир. Агар ёшлик орзуси бўлмаганида инсоннинг ҳаёти бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди. Қўпгина улғўялар ҳаёларпараст ёшлиқнинг беғубор паладида ниш урганлигини унут-маслигимиз керак.

Ҳаётда ёшларга панду насихат қилаётган кекса кишиларни кўрсам Луқмони Ҳакимнинг қўйидаги сўзлари ёдимга тушади.

Ундан сўрадилар:

- Насихатларингизнинг қўпи ёшларга оид, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима?

Ҳақим шундай жавоб берди:

—Богбон ерни юмшатиб, бир дарахт қўчатини ўтказиб, унинг атрофини хас-хашақдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаш, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман, яхши диққат қилиб тарбияласа, тез вақтда дарахт вожа этади, унумли ҳосил беради. Бола ҳам ёшлиқидан бошлаб яхши тарбия қилинса гўзал хулқли, одобли бўлиб ўсади. Шундай бола ота-онасига бахт-саодат келтиради. Жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун ҳам мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман. Насихатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлишининг сабаби ана шунда.

Ўйлаймизки, бу гапларга изоҳнинг ҳолати йўқ.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ
ҲИКМАТЛАР

Соч-соқол оқи ақлданмас нишон,
Бўйла деб баъзида ўйлайдир авом.

Истасанг бир ишни сен, тадбир топ,
Раҳнамо ахтар ўзингга, пир топ.

Қозилар хар дам боқар зоҳиргаким,
Шаклу зоҳирга боқиб, бергай ҳукм.

Ул мунофиқ пеш этиб иймонини,
Тўқди сўнг мингларча мўмин қонини.

Ақл юз очса жаҳон кўзгусида,
Тийра эрмиш кун унинг ўтрусиди.

Улки, севгай тунни, хуффош бил ани,
Хар қачон шамъу чироклар душмани.

Сен мусофирдин сабоқ ол, эй киши,
Лек адаштиргай аёллар кенгаши.

Ўтган ўтди, баски ғам чекмоқ хато,
Қайтаролмас энди минг бир оҳ-воҳ.

Бўлмас ишга бовар этма ҳеч қачон.

Деди: асло ўтган ишга ғам ема,
Чекма ҳасрат, ўтмагани кам дема.

Сўйламоқ жоҳилга ҳикмат, йўл-йўриқ,
Худди шўрхот ерга эккандек уруғ.

Ҳофиза, хотирда сақлаш, ёд олиш—
Барчаси тоғай ақлдин парвариш.

Ранж-надомат ҳам кўринмас қуш бўлур.

Оқибат тупроқ бўлурмиз, англагил.

Урмасанг наштарни чипқонга, яра
Фориг ўлгайму, тузалгайму сира.

Этмасанг дардинга бир дору-даво,
Офият бўлгайму, келгайму шифо?

Дўстларинг-ла айласанг айшу тараб,
Шул жаҳон наздингда бўстондир ажаб.

Бир ҳўкиз Бағдодга борди ногаҳон,
Айланиб, сайрона кездди хар томон.

Неча неъматларга парво этмаиш,
Кўргани ёлғиз қовун пўчоғимиш.

Аҳли орифнинг туки ҳам кўз эмиш.

Демаким, кўрмоқ фақат кўзнинг иши,
Уйкуда, тушда нечук кўргай киши?

Оч кўзингни, боқ, нечук эрмиш ишинг—
Ки, жавобсиз қолмағай бир қилмишинг.

Борлигинг тийра темир эрмиш тамом,
Унга сайқал бер-да, сайқал бер мудом.

Занжи бир кун кўзгу сорди кўз тикиб,
Афтини кўргач, тупурди жаҳл этиб.

Деди: эй кўзгу, муносиб сенга шул,
Ул демишким: сен эдинг кўзгуда ул.

Ўз юзингга сен тупурдинг, бедаво,
Мен эсам равшан ва покмен доимо.

Тавба эшиги очикдир хар қачон.

Тан чопонинг йиртилур хар лаҳза, боқ,
Сен емак, ичмак-ла солгайсен ямоқ.

Рангу рўй бирлан фахрланмас киши,
Рангу рўй лофи—ғўдақларнинг иши.

Чун гўдақларга агар тушса ишинг,
Лозим ўлгайдир гўдақдек сўйлашинг.

Ўйла, кал айбини ёпгайдир кулоқ.

Қатра бер, гавҳар тўла денгизни ол.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



(Давоми.Боши 3-бетда).

15.20 «50/50».
16.10 «Мозий силари».
16.30 «Бизнинг кутубхона».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Тавлимига эътибор – келажакка эътибор».
18.00, 4.50 «Маргилон – 2000».
18.05 «Оханглар оғушида».
18.15 «Бир жиноят изидан».
18.35, 4.55 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Бизнинг янгиликлар».
21.40 «Йўлдаги сўхбатлар».
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
(SMS. Овоз бериш).
24.00 Тунги наволар.
00.15 «Дехқонбод».
00.30 «Улмас наволар».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Ватанпарвар».
3.40 «Миллий гавҳар».
4.35 «Мўъжизалар майдон».
5.00 Серил «Имом Бухорий».
5.50 Тонгги наволар.

«Ёшлар»
7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврининг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда».
9.55, 18.55, 21.55 «Икким».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15 «ТВ-анонс».
10.20 Таътил тухфаси: «Шрек-2».
11.40, 22.30 «SMS-музыка».
12.00 «Ватанпарвар».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00, 19.30 «Қор алангаси».

Сериал.
15.30 «Қадимий ва афсонавий Маргилон».
16.15 «Бу байрам – барчамизники».
16.20 «Бу шундай бўлган эди».
16.40 «Меъёр соғлиқ гарови».
17.00 Иктомий ҳимоя йиллиги: «Муруват».
17.10 «Тасвир ва таассурот».
17.25 «Самарқанд – 2750 ёшда».
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Универсиада-2007».
18.35 «Ҳазил мулки».
20.10 «Спортолот».
20.20 «Оқшом кўнгирақлари».
20.25 «Автоматлар».
21.35 «Ешлук наволари».
22.50 Жаҳон киноси: «Қочоқ».

«Тошкент»
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Химоя».
9.50, 11.10, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
9.55 «Аёл қалби».
10.10, 20.50 «Репортаж».
10.25 «Премьера».
10.40, 19.30 «Музыка SMS».
11.00 «Будите здоровы».
11.20 Кино «Бесценный».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пой-такт».
19.50 «Муқаддас қадимжолар».
20.20 Мир пулустеши».
21.00 «Жоизба».
22.10 «Профессионал».
22.45 Кино SMS со звездами».
22.50 Кино «Это не бизнес».

«Спорт»
7.00 «Бодро утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 9.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективи».
10.10 «Спорт салтанати».
10.30 «Нокдаун».
10.55 Легкая атлетика.
18.00 «Детский спорт».
18.15 «Музыкальный тайм».
18.50 «Путешествия натуралиста».
19.15 «Формула – 1».
20.15 «Король ринга».
21.50 «Семь мечей».
23.05 Еврофутбол.

«Первый канал»
4.00 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости.
8.05 «Малахов +».
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.00 «Улицы разбитых фонарей».
11.15 «Понять. Простить».
11.40 «Лолита. Без комплексов».
12.30 «Детективы».
13.25 «Контрольная закупка».
14.15 Вне закона.
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья».
17.15 «Пусть говорят».
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Улицы разбитых фонарей».
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Смерть шпиона».
21.30 «Скальпель для Аполлона».
22.45 Искатели.
23.55 Ударная сила.
00.20 Комедия «Не будите спящую собаку».
2.30 Фильм «Нашествие».

«Россия»
4.00 «Доброе утро, Россия!».
4.45 «Курортный роман с властью».
8.45 «Частная жизнь».
9.45, 12.40, 15.40, 18.40, 3.40 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.30, 16.30, 19.30 Местное время. Вести-Москва.
10.50, 20.15 «Примадонна». Т/с.
13.40 «Суд идет».
16.40 «Кулагин и партнеры».
17.40 «Ангел-хранитель».
18.00 «Спокойной ночи, малыши!».
18.10 «Исторические хроники» с Николаем Сванидзе.
19.59 Митрополит Николай.
23.10 «Вести +».
23.30 Фильм «Телехранитель».
1.20 «Дорожный патруль».

1.40 «Большая любовь».
2.30 «Война в доме».
2.55 Канал «Евроныс».
«НТВ»
5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Комната отдыха».
10.00 «Две правды».
11.00 «Сериал «Человек войны»».
12.25, 18.35 «Сериал «Ментовские войны»».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 2.15 «Сериал «Возвращение Мухтара-2»».
20.40 «Сериал «Улицы разбитых фонарей-7»».
22.10 «Сериал «Зона»».
23.10 «Главная дорога».
23.45 «Все сразу!».
00.15 Фильм «Мужчина и женщина».
00.15 «Бир жиноят изидан».
4.35 М/с «Богатенький Ричи».

«СТС»
7.00 «Полиция будущего».
7.45 «Баба-Яга против!».
7.55, 15.00 «Смешарики».
8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери».
10.00, 20.30, 1.00 «Истории в деталях».
11.00 Комедия «Сваха».
11.30, 22.00 Комедия «Вся такая внезапная».
12.00 Комедия «Дедушка моей мечты».

13.00, 00.30 «Безмолвный свидетель».
13.30 «Дорогая Маша Березина».
14.30 «Экстремальная команда».
15.30 «Пинокио».
16.00 «Тутенштейн».
16.30 «Приключения Тома и Джерри».
17.00 «Лиззи Магвайер».
17.30 «Галилео».
18.00 «Кадетство».
18.25 «Универсиада-2007».
18.35 «Ҳазил мулки».
20.10 «Спортолот».
20.20 «Оқшом кўнгирақлари».
20.25 «Автоматлар».
21.35 «Ешлук наволари».
22.50 Жаҳон киноси: «Қочоқ».

«Тошкент»
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Химоя».
9.50, 11.10, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
9.55 «Аёл қалби».
10.10, 20.50 «Репортаж».
10.25 «Премьера».
10.40, 19.30 «Музыка SMS».
11.00 «Будите здоровы».
11.20 Кино «Бесценный».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пой-такт».
19.50 «Муқаддас қадимжолар».
20.20 Мир пулустеши».
21.00 «Жоизба».
22.10 «Профессионал».
22.45 Кино SMS со звездами».
22.50 Кино «Это не бизнес».

«ТВ-3»
7.00 Победоносный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Рожденный чемпионом».
12.00 Х/ф «Идет волна».
14.00 Растительная жизнь.
14.30 Самые смешные моменты жизни.
15.00 Сериал «Отедь».
17.00 Х/ф «Красная тень».
19.30 Киномания.
20.00 Х/ф «Комната б».
22.00 Х/ф «Небеса в огне».
24.00 Сериал «Сумеречная зона».
1.00 Х/ф «Эд Вуд».
3.30 Х/ф «Триумфальное чтиво».
5.15 Сериал «Шпионка».
6.15 Релакс.

«ТВ-3»
7.00 Победоносный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Рожденный чемпионом».
12.00 Х/ф «Идет волна».
14.00 Растительная жизнь.
14.30 Самые смешные моменты жизни.
15.00 Сериал «Отедь».
17.00 Х/ф «Красная тень».
19.30 Киномания.
20.00 Х/ф «Комната б».
22.00 Х/ф «Небеса в огне».
24.00 Сериал «Сумеречная зона».
1.00 Х/ф «Эд Вуд».
3.30 Х/ф «Триумфальное чтиво».
5.15 Сериал «Шпионка».
6.15 Релакс.

«НТВ»
5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Турдилик».
10.00 «Две правды».
11.00 «Сериал «Человек войны»».
12.25, 18.35 «Сериал «Ментовские войны»».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 2.30 «Сериал «Возвращение Мухтара-2»».
20.40 «К барьеру!».
22.10 «Сериал «Зона»».
23.10 «Наш футбол».
00.15 Фильм «Полтергейст».
2.30 «Криминальная Россия».
3.50 Сериал «Джоуи».
4.35 М/с «Богатенький Ричи».

«СТС»
7.00 «Полиция будущего».
7.45 «Обезьянки и грабители».
7.55, 15.00 «Смешарики».
8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери».
10.00, 20.30, 1.00 «Истории в деталях».
11.00, 20.00 Комедия «Сваха».
11.30, 22.00 Комедия «Вся такая внезапная».
12.00 Комедия «Дедушка моей мечты».
13.00, 00.30 «Безмолвный свидетель».
13.30 «Дорогая Маша Березина».
14.30 «Вокруг света за 80 дней».
15.30 «Пинокио».

14.00, 19.30 «Қор алангаси».
15.30 «Қадимий ва афсонавий Маргилон».
16.15 «Бу байрам – барчамизники».
16.20 «Автопатруль».
16.35 «Хуш келибсиз!».
17.10 «Уйимдаги фариштам».
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Сифат белгиси».
18.35 «Ҳазил мулки».
20.10 «KINOMANIYA».
21.35 «Ешлук наволари».
22.50 Жаҳон киноси: «Қочоқ».

«Тошкент»
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Муқаддас қадимжолар».
9.50, 11.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
9.55, 20.50 «Интервью».
10.00, 19.30 «Музыка SMS».
10.30 «Профессионал».
10.45 «Всё о туризме».
11.25 Кино «Это не бизнес».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пой-такт».
19.50 «Экономическое ревью».
20.20 «Дневник Универсиады».
20.20 «Жоизба».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Кино «Мисс Потер».

«Спорт»
7.00 «Бодро утро».
8.00, 22.00 «Универсиада - 2007».
9.00, 13.15 «Даврининг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда».
9.55, 18.55, 21.55 «Икким».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15 «ТВ-анонс».
10.20 Таътил тухфаси: «Шрек-2».
11.40, 22.30 «SMS-музыка».
12.00 «Ватанпарвар».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00, 19.30 «Қор алангаси».

Сериал.
15.30 «Қадимий ва афсонавий Маргилон».
16.15 «Бу байрам – барчамизники».
16.20 «Бу шундай бўлган эди».
16.40 «Меъёр соғлиқ гарови».
17.00 Иктомий ҳимоя йиллиги: «Муруват».
17.10 «Тасвир ва таассурот».
17.25 «Самарқанд – 2750 ёшда».
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Универсиада-2007».
18.35 «Ҳазил мулки».
20.10 «Спортолот».
20.20 «Оқшом кўнгирақлари».
20.25 «Автоматлар».
21.35 «Ешлук наволари».
22.50 Жаҳон киноси: «Қочоқ».

«Первый канал»
4.00 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.40 Новости.
8.05 «Малахов +».
9.05 «Агент национальной безопасности».
10.00 «Улицы разбитых фонарей».
11.15 «Понять. Простить».
11.40 «Лолита. Без комплексов».
12.30 «Детективы».
13.25 «Контрольная закупка».
14.15 Вне закона.
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья».
17.15 «Пусть говорят».
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Улицы разбитых фонарей».
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Смерть шпиона».
21.30 «Скальпель для Аполлона».
22.45 Искатели.
23.55 Ударная сила.
00.20 Комедия «Не будите спящую собаку».
2.30 Фильм «Нашествие».

«НТВ»
5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Турдилик».
10.00 «Две правды».
11.00 «Сериал «Человек войны»».
12.25, 18.35 «Сериал «Ментовские войны»».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 2.30 «Сериал «Возвращение Мухтара-2»».
20.40 «К барьеру!».
22.10 «Сериал «Зона»».
23.10 «Наш футбол».
00.15 Фильм «Полтергейст».
2.30 «Криминальная Россия».
3.50 Сериал «Джоуи».
4.35 М/с «Богатенький Ричи».

«СТС»
7.00 «Полиция будущего».
7.45 «Обезьянки и грабители».
7.55, 15.00 «Смешарики».
8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери».
10.00, 20.30, 1.00 «Истории в деталях».
11.00, 20.00 Комедия «Сваха».
11.30, 22.00 Комедия «Вся такая внезапная».
12.00 Комедия «Дедушка моей мечты».
13.00, 00.30 «Безмолвный свидетель».
13.30 «Дорогая Маша Березина».
14.30 «Вокруг света за 80 дней».
15.30 «Пинокио».

16.00 «Тутенштейн».
17.00 «Приключения Тома и Джерри».
17.30 «Галилео».
18.00 «Кадетство».
22.30 Кино «Арена».
1.30 «Построить невозможно».
Семь чудес света. Д/ф.
2.30 «Осторожно, Задор! Или похождения прапорщика».
3.15 «Новая Жанна д'Арк».
4.45 «Миссия ясновидения».
Сериал.
5.25 «Настоящие дикири».
5.45 Музыка на СТС.

«ТВ-3»
7.00 Победоносный голос.
7.30 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Кто в доме хозяин?».
12.00 Х/ф «Не горюй».
14.30 Растительная жизнь.
14.30 Самые смешные моменты жизни.
15.00 Х/ф «Джек-молния».
17.00 Х/ф «Чужая земля».
19.30 Киномания.
20.00 Х/ф «Блондинка в законе».
22.00 Х/ф «Парень хоть куда».
24.00 Сериал «Сумеречная зона».
1.00 Х/ф «Виртуозы».
3.00 Х/ф «Американский психопат-2».
5.00 Сериал «Шпионка».
6.00 Релакс.

«Узбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.40, 1.30 «Олтин мерос».
8.50 «Цирк, цирк, цирк».
9.30, 15.10 «Маргилон-2000».
9.40 «Табаркур замин».
10.10 «Жўнатилмаган мактублар».
Б/ф.
10.45, 18.15, 4.55 «Минг бир ривоят».
10.50 «Молния ва банк хабарлари».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 23.15 «Икки тақдир».
12.00 «Самарқанд – 2750».
12.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Турткул».
12.25 «Бир жиноят изидан».
12.50, 22.05 «Муҳаббат гўшаси».

Т/с.
13.45 «Зилон».
14.20 «Қўшма команда».
15.15 «Види».
15.25 «Обод манзиллар».
16.40 «Эрталаб».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35, 00.15 «Раггин дунё».
17.55 «Ўзбекистонда ишлаб чиқариш».
18.05 «Оханглар оғушида».
18.20 «Этикод мустаҳкамлиги йўлида».
18.40 «Ошин».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Бизнинг янгиликлар».
20.10 «Жўнатилмаган мактублар».
Б/ф.
21.40 «Бекат».
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
(SMS. Овоз бериш).
24.00 Тунги наволар.
00.35 «Ўзбекистон санъати».
1.35 «Янги кун».
2.35 «Файзли охиона».
2.55 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
3.45 «Морхур изидан».
5.00 Сериал «Имом Бухорий».
5.50 Тонгги наволар.

«Ёшлар»
7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврининг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда».
9.55, 18.55, 21.55 «Икким».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.20, 12.50, 20.10 «Универсиада-2007».
12.10 «СМТ-музыка».
12.35 «Тасвир ва таассурот».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00, 19.30 «Қор алангаси».
15.30 «Лангар».
16.15 «Бу байрам – барчамизники».
16.20 «Абадий онлари».
17.00 «Қўшқулқ».
17.25 «Самарқанд – 2750 ёшда».
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Автопатруль».
18.35 «Ҳазил мулки».
20.20 «Дунё таомилари».
21.35 «Ешлук наволари».
22.30 «Универсиада-2007».
22.30 «Универсиада-2007» спорт уйлари.
22.30 «Универсиада-2007» спорт уйлари.
22.30 «Универсиада-2007» спорт уйлари.
22.30 «Универсиада-2007» спорт уйлари.

«Тошкент»
7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Муқаддас қадимжолар».
9.50, 10.40, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
9.55 «Аёл қалби».
10.10, 20.50 «Репортаж».
10.10, 19.30 «Музыка SMS».
10.30 «Экономическое ревью».
10.45 Кино «Мисс Потер».
12.20 «Универсиада-2007».
18.35 «Ҳазил мулки».
20.10 «Спортолот».
20.20 «Оқшом кўнгирақлари».
20.25 «Автоматлар».
21.35 «Ешлук наволари».
22.50 Жаҳон киноси: «Қочоқ».

«СТС»
7.00 «Полиция будущего».
7.45 «Обезьянки и грабители».
7.55, 15.00 «Смешарики».
8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери».
10.00, 20.30, 1.00 «Истории в деталях».
11.00, 20.00 Комедия «Сваха».
11.30, 22.00 Комедия «Вся такая внезапная».
12.00 Комедия «Дедушка моей мечты».
13.00, 00.30 «Безмолвный свидетель».
13.30 «Дорогая Маша Березина».
14.30 «Вокруг света за 80 дней».
15.30 «Пинокио».

18.30, 21.30 «Дневник «Универсиады – 2007»».

«Первый канал»
4.00 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости.
8.05 «Малахов +».
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.00 «Улицы разбитых фонарей».
11.15 «Понять. Простить».
11.40 «Лолита. Без комплексов».
12.30 «Детективы».
13.25 «Контрольная закупка».
14.15 Вне закона.
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья».
17.15 «Пусть говорят».
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Поле чудес».
20.00, 2.00 Время.
20.25 «Желаю Вам ...».
22.10 Открытие XIX Московского международного кинофестиваля.
22.45 Фильм «Иди и смотри».
1.15, 2.25 Комедия «Любовь к деньгам».
3.15 «Цыганское счастье».
4.15 Теория невероятности.

«Россия»
4.00 «Доброе утро, Россия!».
4.45 «Курортный роман с властью».
8.45, 18.40 Вести. Дежурная часть.
9.00, 10.50, 11.25, 13.40, 14.05, 15.30, 16.20 Фильм «Щит и меч».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.20, 15.40, 19.50 Местное время. Вести-Москва.
17.40 «Ангел-хранитель».
19.15 «Пятая студия».
20.10 «Спокойной ночи, малыши!».
20.25 Фильм «Звезда».
22.25 Фильм «Переговорщик».
1.00 Фильм «Точная копия».
2.40 «Дорожный патруль».
2.50 «Горничная десятка».
3.45 «Большая любовь».
4.35 «Война в доме».

«НТВ»
5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня».
9.25 «Особое опасение».
10.00 «Две правды».
11.00 «Сериал «Человек войны»».
12.25 «Сериал «Ментовские войны»».
13.45 «Обзор. Спастели».
15.30, 2.10 «Сериал «Возвращение Мухтара-2»».
17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
18.40 «Следствие вели ...».
19.35 Боевик «Морские дьяволы».
21.35 «ФДР: Союзники истории».
22.30 Фильм «Пункт назначения – 2».
00.15 Комедия «Неприятности с обезьянками».
3.40 Сериал «Джоуи».
4.25 М/с «Богатенький Ричи».

«СТС»
7.00 «Полиция будущего».
7.45 «Обезьянки и грабители».
7.55, 15.00 «Смешарики».
8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей».
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери».
10.00, 20.30 «Истории в деталях».
11.00, 20.00 Комедия «Сваха».
11.30 Комедия «Вся такая внезапная».
12.00 Комедия «Дедушка моей мечты».
13.00 «Безмолвный свидетель».
13.30 «Дорогая Маша Березина».
14.30 «Вокруг света за 80 дней».
15.30 «Пинокио».
16.00 «Тутенштейн».
16.30 «Приключения Тома и Джерри».
17.00 Комедия «Лиззи Магвайер».
17.30 «Галилео».
18.00 «Кадетство».
22.00 Кино «Кейт и Лео».
00.20 Кино «Глаза змеи».
2.20 Кино «Чужая кровь».
3.55 Кино «Просто, как смерть».
5.30 Музыка на СТС.

«ТВ-3»
7.00 Побед